O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ...
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 23 сентябр шанба

Сотувда эркин нархда
№ 188 (2485)

# ЁН ҚЎШНИ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21-22 сентябр кунлари расмий ташриф билан Туркманистонда бўлди



Ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи асрлар билан ўлчанади. Ушбу давр мобайнида халқларимиз, бирор муддат бўлсин, ўз тараққиётини бир-бирисиз тасаввур қилган эмас. Кўп асрлик дўстлик ва қўни-қўшничилик муносабатлари,айниқса, мустақиллик йилларида тамомила янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалари кўлами тобора кенгайиб бораётир. Аввало, Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги маданий соҳага тўхталсак. Ўзбек ва туркман халқларининг урф-одатлари, санъати бир-бирига жуда яқин. Бу келиб чиқиши, илдизлари бир бўлган икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар доимо юксак даражада бўлганидан далолат беради. Ҳозир бу борада ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш жараёни кечмоқда. Жумладан, куни кеча Тошкентда Туркман миллий маданияти маркази очилгани, Президент Ислом Каримовнинг Ашхободга расмий ташрифи чоғида эса Туркманистонда Ўзбек миллий маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида протокол имзолангани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар хусусида шуни айтиш мумкинки, икки мамлакат ўртасидаги экспорт-импорт операцияларида, асосан, қишлоқ хўжалик машиналари ва кимё саноати маҳсулотлари салмоқли ўрин тутади. Жорий йилнинг дастлабки етти ойи давомида ўзаро савдо ҳажми 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўпайиб, 180 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир қарашда, бу рақамлар жуда катта кўринса-да, савдо-иқтисодий алоқалардаги суръатни мавжуд имкониятлар даражасида, деб бўлмайди. Президент Ислом Каримов Туркманистон раҳбари Сапармурод Ниёзов билан бўлган музокаралар чоғида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш чора-тадбирларини кўриш лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати тобора ортиб боряпти.Жумладан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда. Бу эса Ўзбекистондан муқобил транспорт йўллари Туркманистон ҳудуди орқали юк ташишга жиддий эътибор қаратишни талаб қилаётир. Зеро,Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Жанубий Осиёга, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазига, Каспий денгизи орқали Европага чиқадиган транспорт йўллари айнан шу ҳудуддан ўтади. Шу сабабли, Туркманистон орқали транзит юк ташувининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини қуриш жуда муҳим. Шу маънода, Президентимизнинг Ашхободга сафари чоғида икки давлат ўртасида темирйўл транспортида транзит юк ташувини тартибга солиш соҳасида ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида имзоланган битимларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу ташриф чоғида Ислом Каримов Туркманистоннинг транзит салоҳияти Ўзбекистон учун йилдан йилга тобора катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Айниқса, яқинда Ўзбекистонда Қамчиқ довонидан ўтган йўлнинг фойдаланишга топширилиши билан Шарқу Ғарбни боғлайдиган улкан халқаро магистрал фаолияти учун яна бир залворли қадам ташлангани Туркманистон орқали транзит юк ташувини кенгайтириш заруратини янада яққолроқ намоён эта бошлади. Бу йўлнинг Сарахс-Тежан-Машҳад йўналиши билан боғланиши Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини оширишга катта туртки бўлиши, шубҳасиз.

Ташриф давомида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Маълумки, сўнгги вақтларда Марказий Осиё мамлакатлари давлат чегараларини белгилаш бўйича жиддий қадамлар ташламоқда. Бу тадбир минтақа давлатларининг ўзаро муносабатлари халқаро андозалар асосида ривожланиши учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Туркманистон билан қарийб 2000 километрлик давлат чегараларига эга. Шу боис, давлат чегараларини белгилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, бу борада келишувга эришди ва тегишли ҳужжатни имзолади. Ислом Каримов мазкур шартноманинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида гапирар экан, у баъзи ёвуз кучларнинг чегара масаласида мамлакатларимиз ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаришга уриниши эҳтимолини йўққа чиқаришини таъкидлади.

Ислом Каримов билан Сапармурод Ниёзов ўртасида бўлиб ўтган музокарада кўпгина масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик, қатор минтақавий ташкилотлар ва МДҲ доирасидаги муносабатлар масалаларидан ташқари, Орол муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур офатнинг жабрини айнан мана шу икки давлат кўпроқ тортаётир. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳамда Туркманистоннинг шимолий ҳудуди аҳолисининг Орол денгизи қуришидан чекаётган азиятини, Президентимиз таъбири билан айтганда, фақат шу ерда яшабгина билиш мумкин. Бу офат фақат табиатнинг бузилишига олиб келмай, миллатнинг генофондига ҳам жиддий зарар етказаётгани янада ташвишланарлидир.

Ислом Каримов БМТ минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор Орол муаммосига жиддий эътибор қаратишга чақирганди. Жумладан, давлатимиз раҳбари бу офатни бартараф қилиш учун БМТнинг махсус комиссиясини тузиш тўғрисида ҳам таклиф киритганди. Бироқ айни пайтда халқаро ҳамжамият бу муаммонинг кўламини тўла англаб етмаяпти. Давлатимиз раҳбари Ашхободга ташрифи чоғида бу муаммони ҳал этишга иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлар ва йирик молиявий ташкилотларни жалб қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

— Орол қуриб битса, унинг таъсири Европа ва Америкага ҳам етиб боришини барча тушуниб етиши зарур, — деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнгги вақтларда Туркманистон Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги дипломатик фаоллигини анча оширди. Қўшнимизни бундай хатти-ҳаракатга ундаётган омилларни идрок этиш қийин эмас. Бугунги кунда Афғонистонда 20 йилдан ортиқроқ вақтдан буён давом этаётган хунрезликдан келиб чиқаётган хавф-хатар, қолаверса, Туркманистоннинг иқтисодий манфаатлари шуни талаб қилаётир.

Баъзи доираларда Туркманистоннинг афғон муаммосини ҳал қилишдаги айрим қадамлари Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатига унчалик мос келмаётгани бот-бот такрорланяпти. Бу ерда гап Афғонистондаги урушни бартараф қилиш масаласига турлича ёндашув ҳақида бормоқда. Улар бу масалага Ўзбекистон ва Туркманистон, беозор қилиб айтганда, икки қутбдан ёндашаётганини қистириб ўтмоқда.

Туркманистон президенти саройида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ислом Каримов бу хусусда ўз фикрини билдирди.

— Биз бетараф Туркманистоннинг Афғонистон муаммоси масаласида юритаётган мустақил сиёсатига чуқур ҳурмат билан қараймиз, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. — Ҳа, бизнинг бу борадаги қарашларимиз турлича. Бироқ, бу Ўзбекистон ва Туркманистонни мазкур масалада бир-бирига қарама-қарши қўйишга уриниш учун важ бўлмаслиги керак. Чунки таъкидлаб айтмоқчиман, Туркманистоннинг бу борадаги қарашлари ва механизмлари Ўзбекистон нуқтаи-назарига унчалик ҳам мос келмаса-да, бизнинг масалага ёндашувимиз бир хил. Икки томон ҳам бу юртда тинчлик ҳукм сурииши учун ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, ҳар бир мустақил давлат бу борада ўз ташаббусини илгари суришга ҳақли. Шу сабабли, Ўзбекистон Афғонистондаги урушни тўхтатишга, бу мамлакатда осойишталик ўрнатилишига олиб келиши мумкин бўлган барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Ислом Каримов Афғонистон ҳудуди орқали газ ва нефт қувури ўтказилиши масаласида ҳам ўз фикрини баён қилди. Президентимиз агар бу борада халқаро лойиҳа амалга ошириладиган бўлса, Ўзбекистон томони уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Бу қувурларнинг қурилиши уруш тинкасини қуритган афғон халқини тинч яратувчилик ишларига йўналтиришига умид билдирди.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтгандан буён Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида олтмишдан ортиқ турли ҳужжатлар имзоланган. Бу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган бўлиб, бугунги кунда ўзаро муносабатларимизнинг барқарор ривожига хизмат қилмоқда. Ислом Каримовнинг Туркманистонга сафари эса мазкур алоқаларимиз, айниқса, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлигимиз равнақига катта туртки бўлади.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Ашхобод-Тошкент**
**(ЎзА)**

**СУРАТДА: учрашув пайти.**
**Муҳаммад АМИН**
**олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида

**Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.**

**Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган.**

**Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи орган ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз тасаррруфидаги мавжуд вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини кўриб чиқиб, уларнинг янги таркибларини тузсинлар.

Комиссиялар фаолияти изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул котиб лавозими жорий этилсин.

4. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида вояга етмаганларнинг сақланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда).

«Пахта-2000»

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Самарқанд вилояти ҳокимлигида пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмасдан тез ва соз йиғиштириб олиш, кузги ғалла экишни ўз муддатида туғаллаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков олиб борди.

Вилоятда пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Муродов ахборот берди. Маълум бўлишича, вилоятда чигит экиш ва ғўза парвариши давомида хатоликларга йўл қўйилгани ҳосилнинг анча кеч етилишига сабаб бўлди. Пайариқ, Челак, Иштихон, Гўзалкент туманларида бу, айниқса, яққол сезилмоқда. Шунга қарамасдан вилоят пахтазорларида режани қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Эндиги вазифа — дефолиацияни тезроқ туғаллаш, мавжуд ишчи кучи ва техника воситаларини теримга тўлиқ жалб этган ҳолда, мавжуд ҳосилни қисқа фурсатда йиғиштириб олишдан иборат.

Йиғилишда туман ҳокимларининг пахта теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш, белгиланган режалар ижросини таъминлашга доир ахборотлари тингланди.

Туман ҳокимлари, вилоятдаги ташкилот, корхона, идора раҳбарлари зиммасига оммавий сафарбарлик асосида мавжуд ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, кузги ғалла учун майдонларни сифатли тайёрлаш, уруғ қадалган далаларни вақтида ўғитлаш, суғориш орқали майсани бир текисда ундириб олиш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э.Рўзиев иштирок этди.

**А.ҲАЙИТОВ.**

Олий Мажлис қўмитасида

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЭКСПЕРТЛАР МУҲОКАМАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган экспертлар гуруҳлари аъзоларининг йиғилиши бўлди.***

Қўмита раиси Акмал Саидов йиғилишни очар экан, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессияси томонидан биринчи ўқишда маъқулланган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси матбуотда чоп этилиши муносабати билан қўмитага Олий Мажлис депутатлари, кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлардан таклиф ва мулоҳазалар келиб тушаётганлиги, ушбу таклифларни кўриб чиқиш бошланганини маълум қилди.

Йиғилишда бевосита жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур Қонун лойиҳаси муҳокамасини кенг миқёсда ташкиллаштириш, бу борада жойларда турли тадбирлар ўтказиш, умумхалқ муҳокамасини уюштиришда ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик, эркин фикр билдириш каби демократик тамойиллар талабларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Қонун лойиҳасининг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинган матни юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Шундан сўнг, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бажарилишини қўмита мажлисида кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Олий Мажлис ишчи гуруҳининг мазкур вилоятларга сафари якунлари ва қўмита аъзоларининг ўз сайлов округларидан юборган ахборотлари асосида тайёрланган умумлашма маълумотлар экспертлар эътиборига ҳавола этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Вазирлар Маҳкамасида жаҳон маънавий-диний тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз — Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг юбилейларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси Ҳ. Кароматов бошқарди.

Мажлисда юбилейларга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Маматов, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Ф.Азимов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Назаров ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, Самарқандда калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фиқҳ фанининг равнақига улкан ҳисса қўшган йирик аллома Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллигига, Фарғонада эса жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиёти ва ҳуқуқшунослик илмининг ривожида беқиёс ўрин тутган буюк ватандошимиз Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллигига тайёргарлик, айниқса, қизғин бораётганини таъкидладилар.Жумладан, Самарқанддаги Чокардиза қабристонида изчил илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш билан бир қаторда Имом ал-Мотуридий меъморий мажмуаси барпо этилмоқда. Ҳозирга қадар бу ерда дафн этилган азиз-авлиёлардан 313 нафарининг муборак номлари аниқланди ва уларга тегишли икки юзга яқин лавҳа тошлари топилди. Бурҳониддин ал-Марғиноний қадамжолари — Марғилон ва Риштон шаҳарларидаги боғларни янада ободонлаштириш, "Соҳиби ҳидоя" мақбарасини таъмирлаш, ал-Марғиноний меъморий мажмуасини қуриш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Юбилей дастурлари доирасида "Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни" ҳамда "Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида тутган ўрни" мавзуларида халқаро илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади. Бу борада алломаларнинг энг сара асарларини, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар, рисолаларни нашрга тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Халқаро миқёсда ўтказиладиган бу муҳим тадбирларда хорижий мамлакатлардан таниқли дин арбоблари, калом ва фиқҳ илмининг пешволари иштирок этади. Мажлисда уларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, юбилей дастурлари ва адабиётлар билан таъминлаш, зарур маданий-маиший шароит яратиш бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев иштирок этди.

**(ЎзА).**

# САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган алоқа индустрияси вазири ўринбосари Чжан Чуньцзян бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида музокара ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар улкан тарихга эга эканлиги ва ҳозирги кунда ҳам мамлакатларимиз бир-бири учун муҳим стратегик ҳамкор ҳисобланиши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ҳамкорлик жадал ривожланаётганига қарамай, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмининг кўрсаткичи мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги ҳам айтилди. Маълум бўлишича, ҳозирги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо алоқаларининг асоси деярли хомашё ҳамда кенг халқ истеъмоли молларидан иборат бўлиб қолмоқда.

Хитой делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу масалаларнинг ҳар томонлама муҳокамасига бағишланган. Музокара давомида Хитой компанияларининг ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, қўшма корхоналар сафини кенгайтириш имкониятлари тўғрисида фикр алмашилди.

Хитой делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида ҳам бўлиб, мамлакатимизда янги технологиялар ишлаб чиқариш ва ҳаётга татбиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

**(ЎзА).**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш;

жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтирсин, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитлари синчиклаб ўрганилиши ва бартараф этилиши юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциялар фаолиятининг самарадорлигини оширсин, ҳар бир участка инспекторидан ўз ҳудудида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун масъул эканлигини қатъий талаб қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Камолот" жамғармалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтирсинлар, яшаш жойларида нотинч оилаларни, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, вояга етмаганларни ўқишдан ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги идоралари руҳий касалга чалинган, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган вояга етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда уларни даволаш ишларини қатъий йўлга қўйсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, ҳокимликлар, ички ишлар органлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатсинлар ва уларнинг бу масалада бевосита масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳар ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг аҳволини муҳокама этиб, бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ва қуйи комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 сентябр.





## БАЛЛИ, ҚУРУВЧИЛАР!



*.Шаҳар ва қишлоқларимиз жамолининг кундан-кун ўзгариб, яшнаб-яшариб бораётганлиги, аввало, мамлакатимиз иқтисодиёти босқичма-босқич ривожланиб бораётганидан далолат бўлса, иккинчидан қўли гул қурувчиларимиз маҳорати, имконияти ошаётганидандир. Қўқондаги кўчма механизациялашган жамланма жамоаси йил бошида икки муҳим иншоот — 750 ўринли маиший хизмат кўрсатиш коллежи ҳамда Экология маркази қурилишини ўз зиммаларига олгандилар. Ҳозир ҳар икки иншоот фойдаланишга топширилиш арафасида.*

**СУРАТЛАРДА: касб-ҳунар коллежининг ташқи кўриниши; жамоа бош муҳандиси Абдусаттор Аҳмаджонов қурувчилар даврасида; Экология маркази.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Халқаро мусиқа фестивали бошланди

Мусиқа элларни бир-бирига яқинлаштирувчи чегара билмас воситадир. Шу боис, мамлакатимизда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, Замонавий мусиқа ва театр фестивали, "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрамини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Тошкентда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпания, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси ташаббуси билан ўз ишини бошлаган иккинчи халқаро симфоник мусиқа фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ушбу санъат анжумани ўзбек миллий симфоник мусиқасида эришилган ютуқларни дунёга намойиш этиш ва жаҳоннинг номдор композиторлари асарлари билан танишиш, ўзаро ғоя ва фикрлар, тажриба алмашиш ва энг асосийси — инсонни эзгуликка чорловчи оҳанглар сеҳридан халқни баҳраманд этишга хизмат қилади. Унга АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Швейцария, Миср сингари йигирмага яқин давлатдан таниқли бастакор ва ижрочилар ташриф буюрган.

Эътиборли томони шундаки, бу йилги фестивалда ижрочилар билан бир қаторда, мусиқашунос олимлар, дирижёрлар, санъат соҳасида фаолият кўрсатаётган менежерлар ҳам иштирок этади.

Қолаверса, ушбу санъат байрамида Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар ҳам ўз истеъдодини намойиш этади.

Фестивал дастурига кўра, Ўзбекистон давлат миллий симфоник оркестри, хор капелласи, Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги хор жамоаси, консерваториянинг ёшлар миллий театри симфоник оркестрига италиялик Гаэтано Калайяни, америкалик Чарльз Ансбаккер, туркиялик Саим Оқчил каби етук санъаткорлар дирижёрлик қилади. Бир қатор асарларни Муяссар Раззоқова, Офелия Юсупова, Гулшан Азизова, Абдуҳалил Абдуқодиров каби таниқли санъаткорларимиз ижро этади.

Санъат шинавандалари орзиқиб кутган фестивалда Вильям Валлас /АҚШ/, Жан Бейли (Бельгия), Пьер Тилуа (Франция) каби дунё тан олган композиторларнинг, шунингдек, Мустафо Бафоев, Дилором Сайдаминова, Ҳабибулла Раҳимов сингари ўзбек бастакорларининг асарлари премьераси бўлиб ўтади.

21 сентябр куни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида иккинчи халқаро симфоник мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев сўзга чиқиб, анжуман иштирокчиларини мазкур мусиқа байрами билан қизғин табриклади.

Ҳ.Раҳимовнинг "Қутлов" увертюрасини ижро этиш билан бошланган фестиваль 25 сентябргача давом этади.

**Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

*Огоҳ бўлинг, одамлар!*

## ОТА-ОНА БЕПАРВО БЎЛГАЧ...

Мактаб муаллимлари Алишер Бегалиев ҳамда Зулайҳо Бегалиевалар ўз фарзанди Отабекнинг Тожикистонда Жума Ҳожиев гуруҳига қўшилганлиги ҳақидаги хабардан тошдек қотишди. Ўзларига келгач, хабарнинг нотўғри чиқиши илинжида тегишли идораларга мурожаат қилишни лозим топдилар.

Рост-да, оқ ювиб, оқ тараган фарзандни шу умид билан ўстиришганмиди? Наҳотки зиёлилар оиласидан чиққан йигит ўз элининг юзига оёқ қўйса?

Афсуски, шундай бўлиб чиқди. 1998 йилда Зафаробод туманидан Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги технология коллежига ўқишга кетган Отабек ўша пайтдаёқ диний экстремистик оқимга қўшилиб, декабр ойида жангарилар тузоғига илинган. Мана унинг дараги Тожикистоннинг Тавилдара туманидан чиқди.

Ота-она, оиладагилар ўзлари туғилиб ўсган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида бош кўтариб юролмай қолишди. «Ўз фарзандини тарбиялолмаган тарбиячилар бошқаларга қандай сабоқ беради», дегувчилар кўпдек эди, уларнинг назарида.

Оғир изтиробда, жонлари қаттиқ азобда қолган ота-онани вилоят марказидаги йиғинда кўрдим.

— Ўлик-тириклигини билмай юрардик. Эл-юртга шарманда бўлдик, — дейди Алишер Бегалиев. — Ҳечам кутмагандик, шундай бўлишини. Ўғлимизни қайтариб келишга ёрдам беринглар. Қанийди иложи бўлса, ўзим бориб келардим, унинг олдига.

Президентимизга, ҳукуматимизга минг марта раҳмат: адашганларга қайта-қайта имкон бераяпти. Уларни авф этаяпти. Эс-ҳушини йўқотмаган, виждонини сотмаган ҳар бир киши бундан тўғри хулоса чиқариши керак. Ҳеч ким биздай доғда қолмасин.

Лекин бўлиб ўтган воқеага айнан ота-онанинг бепарволиги сабаблигини ҳеч ким инкор қилолмайди. 1983 йилда туғилган Отабекнинг 14 ёшида экстремистлар тузоғига илингани, унинг «устоз»лари кимлиги нега уларни қизиқтирмади? Янгийўлда Отабек кимлар билан алоқада бўлгани, юриш-туриши билан нега ҳеч ким шуғулланмади? Аслида икки йилдан зиёд бедарак кетган фарзанд қисмати ота-онани бир дақиқа ҳам тинч қўймаслиги керак эмасмиди?

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## БЕШ ҚИТЪА МУЖДАЛАРИ

### ЗАМБИЯ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Ушбу мамлакат ҳукумати чегарадош ҳудудларда хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида Ангола билан кўп томонлама ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди. Замбия қуролли кучлари штаби бошлиғи Ж.Мусенгуленинг айтишича, чегара ҳудудларида вазият нотинчлигича қолмоқда. Негаки, Ангола ҳукумат қўшинлари билан УНИТА исёнчилари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар ҳали тўхтагани йўқ.

### ЕТМИШ МИЛЛИАРДЛИК ДАРОМАД

Нефт қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган Саудия Арабистони жорий йилнинг саккиз ойида "қора олтин" экспортидан қарийб етмиш миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад олди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 24 миллиард долларга кўп.

Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлган олти мамлакатнинг нефтдан олган даромади эса жами 125 миллиард долларга етди. Ўтган йили бу кўрсаткич 81 миллиардни ташкил қилган эди. Бироқ, нефт нархи юксалишда давом этмоқда. Нью-Йорк товар биржасида унинг бир баррели 37 доллардан ошди.

### КУТИЛМАГАН ХАБАР

— Черногория аҳолиси 24 сентябр куни Югославияда бўладиган президент ва парламент сайловида иштирок этмайди, — деди кутилмаганда мазкур республика президенти Мило Жуканович. Унинг айтишича, Черногория раҳбарияти республика ҳудудида сайловни тақиқламайди, истаган одам унда иштирок этаверади. Аммо бу кўпчиликни ташкил қилмаслиги, ҳатто аҳоли иштирок этмади, деган хулосага олиб келиши мумкин.

### ПУТИННИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ

Россия президенти Владимир Путин 2-5 октябр кунлари расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлади. Ташриф чоғида икки давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги декларация ҳамда турли соҳаларда шерикликни кўчайтириш бўйича битимлар қабул қилиниши кутилаётир. Ҳиндистон ҳукумати расмий вакили шуни маълум қилди.



***Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги «Тож Маҳал» мажмуи етти мўъжизанинг биридир.***

### ЗИДДИЯТЛАР ИҚТИСОДИЁТГА ТЎСИҚ

Африканинг кўплаб давлатларида юз бераётган қуролли можаролар, диний ва элатлараро зиддиятлар қитъа иқтисодиёти ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда. БМТ маълумотига қараганда, Африка иқтисодининг ўсиш даражаси ўтган йили уч фоизни ташкил этган. Бу 1998 йилги кўрсаткичга қараганда анча паст.

Можаролар, асосан, қитъанинг жануби-ғарбидаги мамлакатларда содир бўлаётир. Шимолий-шарқий давлатларда эса барқарорлик анча мустаҳкамланган, иқтисодий ўсиш ҳам шунга яраша бўлмоқда.

### БОШ КОТИБ МАКТУБИ

Араб давлатлари лигаси бош котиби Исмат Абдумажид халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларига мактуб йўллаб, Исроилни араб давлатларининг босиб олинган ерларидан чиқиб кетишга чақиришни сўради. Хабарларга қараганда, у БМТ, Европа Иттифоқи, Халқаро қизил хоч қўмитаси каби ўнга яқин йирик ташкилотга шундай мактуб йўллаган.

### МИССИЯ ВАКОЛАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши ташкилотнинг Сьерра-Леонедаги миссияси ваколатини жорий йилнинг 31 декабригача узайтиришга қарор қилди. Мазкур қарор кенгаш аъзоларининг Сьерра-Леонеда юзага келган вазиятни ҳамда ушбу мамлакатдаги тинчликни сақлаш кучларининг фаолиятини яхшироқ ўрганиб чиқишига имкон яратади.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

**ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОНГА**

## ЧЕТГА МАҲСУЛОТ ЧИҚАРМОҚЧИМИСИЗ?

### Марҳамат! Хизматингизда — «Ўрта Осиё-Транс» компанияси

**Бу йил мева йили бўлди. Етиштирилган маҳсулотларни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш муҳим вазифалардан биридир. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда хўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Соҳибкору боғбонлар учун катта қулайликлар яратилди. Қарорга кўра маҳсулот етиштирувчилар тегишли ҳужжатлар асосида ўз молларини дунёнинг исталган жойига олиб бориб сотиш имкониятига эга бўлдилар. Шу муносабат билан автотранспорт экспедициялари олдига ҳам муайян вазифалар қўйилган.**

**Биз четга юк ташишга ихтисослашган «Ўрта Осиё- Транс» халқаро автомобил давлат-акционерлик компанияси бошқаруви раиси Хондамир Худойберганович Маматов билан учрашиб, қарор асносида амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.**

— Компаниямиз асосан МДҲ мамлакатлари, Европа ва Осиёда юк ташиш билан шуғулланади. Автопаркимизда жами 300 га яқин оғир юк ташиш транспорти мавжуд. «Мерседес-Бенц-1838ЛС», «Мерседес Бенц-1935 ЛС» маркали ҳамда «Кеголь» ва «Фриауф» ярим прицепли машиналар бор. Улардан айниқса, рефрижераторларга талаб катта.

Айтишим, керакки, қарор чиққач, четга мева-чева ташиш билан боғлиқ жараёнлар анча енгиллашди. Бу борада замонавий транспорт воситалари жуда қўл келмоқда. Айтайлик, рефрижератор юкхонасида совутгич ускуналари мавжуд бўлиб, улар кабинага жойлаштирилган компьютер орқали ҳайдовчи томонидан бошқарилади. Совутгич юк ташиш жараёнида ҳаво ҳароратини $+4^0$ иссиқдан $24^0$ совуққача таъминлаб бериш имкониятига эга. Хўл мева турига қараб, уни бешикаст ва уринтирмай, тегишли жойга сифатли етказиб бериш учун қандай кўрсаткичдаги ҳаво даражаси талаб этилса, бу борада муаммо йўқ: тегишли ускуналар ҳаммасини ўрнига «қўяди». Натижада 10-15 кун давомида неча минг километр йўл босилса-да, маҳсулот ўз сифатини йўқотмайди, харидорга шу ҳолича етиб боради. Бундай машиналаримиз 50 та бўлиб, ҳар бири 25 тоннадан юк ташиш қувватига эга.

**— Лекин ҳар бир деҳқон ё боғбоннинг шунча ҳажмдаги маҳсулоти бўлмаслиги мумкин...**

— Тўғри. Аммо қулай йўли ҳам бор: деҳқонларнинг 5-6 таси бирлашиб, битта машинага буюртма беришлари мумкин. Қолаверса, юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб, биз Россияда савдо уйи очганмиз. Савдо уйи ходимлари деҳқонларга ёрдам кўрсатишга, уларнинг маҳсулотларини шартнома асосида сотиб беришга доим тайёр. Зарурат туғилса, талабгорларга Россиядан ёғоч-тахта, тунука, қишлоқ хўжалик ускуналари, шиналар келтириб беришимиз ҳам мумкин.

Бир воқеани айтиб берай. Яқинда Фарғонадан 5-6 та оқсоқол келди. «Биз боғ яратиб, мева-чева етиштирдик. Мана, ҳукуматимизнинг қарори чиқибди. Шундан умидланиб, олдингизга келдик, битта яхши мошина қилиб берсангиз. Урушда кўрган жойларимизга бориб, ҳам саёҳат, ҳам тижорат қилиб келсак», дейишди. Тезда битта машинани расмийлаштириб бердик. Бир ой вақт ўтиб, улар яна кириб келишди. «Минг раҳмат. Молимизни обориб, сотиб келдик. Энди катта тўйларни бошлаб қўйдик. Шунга айтгани келдик», дейишди. Хурсанд бўлиб, раҳмат дедим. Улар шундай катта имкониятни яратган, деҳқонга астойдил қайишган Президентимизни дуо қилишди.

**— Ушбу қарордан кейин Сизларнинг юк ташиш жадвалларингда қандай ўзгаришлар юз берди?**

— Илгари биз асосан чет элларга пахта толаси ва давлатлараро юкларни ташиш, қўшма корхоналар ва фирмаларнинг буюртмаларини бажариш билан шуғулланиб келардик. Тўғриси, кейинги йилларда узоқ масофаларга хўл мева ташиш анча камайган эди. Чунки, деҳқон ёки тадбиркор маҳсулотни етиштиришга етиштиради-ю, уни ўзи мўлжаллаган бозорга элтгунча анча сарсон бўларди. Айниқса, чет элга маҳсулот олиб чиққунча она сути оғзига келарди. Чунки неча-неча идорага бош суқиш, қоғоз тўлдириш, рухсат олиш керак-да. Бунгача меваси пишиб-оқиб кетарди. Қарор шу маънода аҳамиятлики, энди рухсат олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни батамом қисқартирилди. Деҳқон компаниямизга ариза билан мурожаат қилиб, шартнома тузади, йўл харажатлари учун белгиланган пулни тўлайди ва сафарга чиқиб кетаверади. Юқорида айтилганидек қулай, ихтисослашган рефрижераторларимиз юкни бешикаст етказиб бериш имкониятига эга.

Буюртмачилар фақат шунинг учунгина бизга мурожаат қилишмайди. Қозоғистон ва Россия йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари билан ҳам шартномаларимиз бор. Улар ана шу шартномага кўра, ўз ҳудудларига кирган транспортимизнинг хавфсизлиги ва манзилга беталофат етиб боришини таъминлашлари керак. Шундай бўлаяпти ҳам.

Ўтган йили МДҲ мамлакатларига 1956 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиган бўлсак, бу йил иш ҳажмини кескин кўпайтирдик. Юртимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини чет эллик истеъмолчиларга етказиб беришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ҳар биримиз ўз ишимиз, вазифамизни сидқидилдан бажарсак, имкониятимиз қирраларини очиб, жон куйдириб хизмат қилсак бу ҳам ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Халқнинг ҳожати чиқса, чўнтаги пул кўрса, дастурхони тўкин бўлса, охир-оқибат мамлакат бой бўлади. Хуллас, қарор чиққандан бери 4400 тоннадан ошиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини МДҲ бозорларига етказиб бердик. Четга жўнатилаётган нознеъматларнинг асосий қисми Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Самарқанд ва Тошкент вилоятлари бўйича ҳам анчагина юк ташидик.

**— Биласиз, юртимиз боғларида етиштирилган мева-чева, сабзавот маҳсулотлари Россия бозорларини тўлдирмоқда. Эвазига бошқа зарур маҳсулотлар келтирилаяпти. Бу яхши. Лекин қачонгача Россия бозорлари билан чекланамиз. Ваҳоланки...**

— Мен сизга бир гапни айтай. Бундан 1-2 йил олдин Германияга узум олиб борганмиз. Ишонасизми, 20 минутда талаш бўлиб сотилиб кетган. Чунки боя айтганимдек, бизнинг меваларимиздақа ширин, тўйимли, қуёш ҳароратида пишган маҳсулотлар дунёда йўқ. Англияга анор олиб борганимизда шундай бўлган. Ёки қовунларимиз Грецияда назарга тушган. Чет элликларни яхши меванинг нархи чўчитмайди. Фақат ана шу маҳсулотни уларга дид билан қадоқлаб ёки замонавий, киши эътиборини тортадиган идишларда тақдим этиш керак. Афсуски, ҳали бизда қадоқлаш ишлари билан шуғулланадиган фирма, қўшма корхоналар йўқ ҳисоби. Агар шу масалага жиддий эътибор билан қаралса, Ўзбекистонда пишиб етилган олма, анор, узум, ўрик, қовун-тарвузларимиз дунё бозорини забт этиши аниқ. Биз эса жон-жон деб азамат деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотларни дунёнинг хоҳлаган бурчагига етказиб беришга тайёрмиз.

**Аҳрор АҲМЕДОВ.**




## «Ватан фидойилари»

Инсон икки нарсани — Ватан ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Бир Ватан ва халққа мансублик эса кишига умр бўйи масъулият юклаб бораверади. Бу иккисини ҳар қандай ёвуз кучдан ҳимоя қилиш — шу Ватан фарзанди, шу халқ вакили бўлган ҳар бир йигит учун муқаддас бурч, шарафли вазифа.

Мамлакатимиз жанубий чегараларига суқулиб кирмоқчи бўлган халқаро террорчи газандаларга қарши курашда Маҳмуджон, Алишер, Ғафуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳалим, Юнус, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон исмли ёш-ёш навқирон йигитларимиз ана шу муқаддас бурч, шарафли вазифани садоқат билан бажариб, қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Улар ким, қандай кишиларнинг фарзанди, бундай фидойи фарзандларни ким тарбиялаган ва улар қандай жасорат кўрсатганлар? Буни бугун ўзини ўзбекистонликман деган ҳар бир фуқаро билиши, ёдда тутиши керак. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари томонидан ёзилган "Ватан фидойилари" китобчасида ана шу баҳодир ўғлонларимиз қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Она Ватан ҳимояси, юртимизнинг тинчлиги йўлида ўз жонини фидо этган қаҳрамонларнинг мислсиз жасорати ҳақида ҳали кўплаб асарлар ёзилажак. Зеро, уларнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасурлик, фахру-ғурур тимсоли бўлиб қолади. Уларнинг сўнмас хотираси халқимиз ёдидан ҳеч қачон ўчмайди.

Китобча республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан "Маънавият" нашриёти томонидан Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида чоп этилди.

**(ЎзА).**

тақиқланади ва бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган мол-мулк мусодара этилади ва давлат мулкига ўтказилади.

**31-модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликдан озод этиш**

Террорчиликка қарши операция ўтказилаётганда террорчилар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига қонунда белгиланган асосда ва доираларда мажбуран зарар етказишга йўл қўйилади. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар, мутахассислар ва бошқа шахслар террорчиликка қарши операция ўтказишда етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этилади.

**32-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

* * *

*Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:*

***700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Телефонлар: 139-83-25, 139-83-08.***

24

Буклаш чизиғи



*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

**ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА**

**«Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари 2000 йил**

Қирқиш чизиғи

ги тезкор штаблар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Қуйидаги ахборотлар тарқатилишига йўл қўйилмайди:

террорчиликка қарши операция ўтказишнинг махсус техникавий усулларини ҳамда тактикасини очиб берадиган;

террорчиликка қарши операция ўтказилишини қийинлаштириб қўядиган, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавфни келтириб чиқарадиган;

террорчиликни тарғиб қилишга ёки оқлашга кўмаклашадиган;

террорчиликка қарши операция ўтказилаётганда бўлинмаларнинг ходимлари ва штабларнинг аъзолари тўғрисидаги, шунингдек, уни ўтказишга кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги.

**21-модда. Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги**

Терроризмга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари билан, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ зарур ҳолларда террорчилик ҳаракатига чек қўйиш учун чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг махсус бўлинмалари

18

Буклаш чизиғи

фаатларининг устуворлиги;

огоҳлик чораларининг устуворлиги;

жазонинг муқаррарлиги.

**5-модда. Террорчилик фаолиятининг олдини олиш**

Террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) томонидан профилактик, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, тарғибот комплекс чораларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Қуйидагилар тақиқланади:

терроризмни тарғиб қилиш;

террорчилик ташкилотларини тузиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши;

террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан хорижий ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши;

террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши;

террорчилик ташкилотларига кўмаклашиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш, террорчилик фаолиятига оид маълумотлар ва фактларни ёйиш.

7

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

га қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда майиб бўлган ва бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотиши ҳамда ногиронликка олиб келган тақдирда унга бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлик пенсияси тайинланади.

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда ярадор бўлган тақдирда бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотишига олиб келмаса, бу шахсга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

**28-модда. Кўп йил ишлаганликни имтиёзли ҳисоблаш**

Терроризмга қарши курашни бевосита амалга ошираётган бўлинмаларда хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ҳамда давлат органларининг ходимларига пенсия тайинлашда, агар қонун ҳужжатларида кўп йил ишлаганликни янада имтиёзлироқ ҳисоблаш назарда тутилган бўлмаса, хизматнинг бир куни икки кунга, террорчиликка қарши операция ўтказишда иштирок этган даврда хизматнинг бир куни уч кунга ҳисобланади.

***VI . ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОК ЭТГАНЛИК ҲАМДА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ***

22

***I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР***

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ва суверенитетини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашдан иборат.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**гаровга ушлаб турилган шахс** — қўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, халқаро ташкилотларни, шунингдек, айрим шахсларни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс;

**терроризм** — жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан одамлар ҳалокати, анча миқдордаги мулкий зарар етказиш ёхуд бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юзага келиши хавфини туғдирадиган, жамоат хавфсизлигига путур етказиш, аҳолини қўрқитиш ёки ҳокимият органларининг террорчиларга фойдали бўлган қарорлар қабул

3

колатхоналарининг ва фуқароларнинг транспорт воситаларини жойнинг айрим участкаларига ва объектларга киритмаслик, фуқароларни жойнинг айрим участкаларидан ва объектлардан чиқариб юбориш, шунингдек, махсус рухсатномаси бўлмаган транспорт воситаларини шатакка олиб чиқариб ташлаш чораларини кўриш;

жисмоний шахсларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса уларнинг шахсини аниқлаш учун ушлаб туриш;

ҳуқуқбузарликлар содир этган ёки террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилишга қаратилган, шунингдек, террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонага рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этган шахсларни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш;

агар кечиктириш шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, террорчилик ҳаракатига чек қўйиш, уни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб этиш учун ташкилотлар ҳудудига ҳамда хоналарига, турар жой ва бошқа жойларга, ер участкаларига, транспорт воситаларига кеча-кундузнинг исталган вақтида эркин кириш (ошиб тушиш);

террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонага кираётган (транспорт билан киришда)

16

ган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, бартараф этиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан халқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва категорияланган объектлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат муассасалари, ушбу муассасаларнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган мансабдор шахсларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда чет эл давлатлари, ҳукуматлари бошлиқлари ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминлайди;

9

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

зилган зарар қопланмайди.

**25-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси**

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси уларни нормал ҳаётий фаолиятга қайтариш мақсадида ўтказилади ҳамда мазкур шахсларга ҳуқуқий ёрдам беришдан, уларнинг руҳий, тиббий, касбий реабилитациясидан, уларни ишга жойлаштиришдан, зарур ҳолларда уларга обод турар-жой ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ёрдам беришдан иборат бўлади.

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

***V. ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ***

**26-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши зарур бўлган шахслар**

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахслар давлат ҳимоясидадир.

Қуйидагилар хуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши лозим:

терроризмга қарши курашда бевосита иштирок

20

**диган зона** – жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирадаги уларга туташ ҳудудлар;

**террорчилик фаолияти** – терроризм мафкурасини тарқатишдан, террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилоти, террорчилик гуруҳини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни пул билан ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан ёки уларга ўзгача тарзда кўмаклашишдан иборат бўлган фаолият;

**террорчилик ҳаракати** – гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш, шикастлантириш, яксон қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўта-

5

да тасдиқланадиган Террорчиликка қарши операция ўтказиш бўйича республика штаби ва жойлардаги тезкор штаблар тўғрисидаги низомда белгиланади.

**16-модда. Террорчилар билан музокаралар олиб бориш**

Террорчилик ҳаракатининг хусусиятига қараб жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғини, моддий бойликларни сақлаш, гаровда ушлаб турилган шахсларни озод этиш, шунингдек, куч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш имкониятини ўрганиш мақсадида террорчилар билан музокаралар ўтказилиши мумкин.

Террорчиликка қарши операция ўтказиш бўйича тегишли штаб раҳбари махсус ваколат берган шахслар террорчилар билан музокаралар олиб боришига рухсат этилади.

Террорчилар билан музокаралар олиб борилиши содир этган жиноий қилмишлари учун уларни жавобгарликдан озод этишнинг асоси ёки шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Агар террорчилар билан музокаралар ўтказиш натижасида улар террорчилик ҳаракатини тўхтатишга рози эмаслиги сабабли музокаралардан кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлмаса ҳамда жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид сақланиб турган бўлса, террорчиликка қарши операция ўтказиш бўйича тегишли штаб раҳбари террорчиларни яксон қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

14

ларни амалга оширади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита:

террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек, кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик ҳаракатини содир этиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишини аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради;

чегара олди ҳудудларида террорчиларни зарарсизлантириш ва яксон қилишда иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, портла-

11

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*

# ВАЗИФАСИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНЛИГИ УЧУН

Фарғона вилояти Риштон тумани Навбаҳор маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамидхўжа Жакбаров таҳририятга паррандачилик фабрикасида юз бераётган қатор салбий ҳолатлар тўғрисида куйинчаклик билан ёзиб юборибди. Муаллифнинг таъкидлашича, корхона раҳбарияти қариндош-уруғлардан иборат. Ишчилар маошига пул ўрнига гўшт ва бошқа маҳсулотлар олишмоқда, ишлаб чиқариш издан чиққан, ишда тартиб ва интизом йўқ, ташмачилик авж олиб кетган. Кейинги саккиз йил мобайнида корхона раҳбари олти марта ўзгартирилди. Ҳар йили тафтишчилар келади, лекин юз бераётган камчиликлар учун ҳеч ким қонун олдида жавоб бермайди ва ҳоказо.

Ушбу муаммоларга ойдинлик киритиш масаласи вилоят ҳокимлигига ҳавола этилди. Яқинда Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб Ҳ.Йўлдошевдан арзномада кўтарилган масалалар бўйича жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, паррандачилик фабрикасидаги салбий ҳолатлар тўғрисида ёзилган ариза мутасаддилар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган.

Мактубда кўрсатилган айрим ножўя хатти-ҳаракатлар ўз исботини топди. Текшириш натижаси тўғрисидаги якуний маълумотлар паррандачилик фабрикасининг вакиллар йиғилишида атрофлича муҳокама қилинган.

Ўз вазифасини суиистеъмол қилганликлари учун фабриканинг беш нафар ходими эгаллаб турган вазифаларидан озод қилинди. Текшириш якунлари қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга берилди.

*Биринчи даражали*

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ

*Бевосита Италия туркум мебеллар тўплами.*

*Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.*

*Элтиб бериш ва йиғиш — бепул.*

*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5. MAKSIMA мебел дўкони.*

*Тел. (371) 144-27-15.*




3222

КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР
ҲАР ХИЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН НОВВОЙХОНА УСКУНАЛАРИ.
ҚУРИТИШ УСКУНАСИ
МЕВА ВА САБЗАВОТ, МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАР УЧУН.
ҲАММОМ ИСИТГИЧИ (САУНА)
МИНГ ХИЛ ДАРДГА ДАВО.
ҲАВО НАМЛАГИЧИ
ХОНАДОН, КАСАЛХОНА ВА БОҒЧАЛАР УЧУН.
КАЛОРИФЕРЛАР
ҲАР ХИЛ ҚУВВАТДАГИ.
СОЯ СУТИ ҲАМИША СОТУВДА.
НИХРОМ СИМЛАРИНИ, ВЕНТИЛЯТОРЛАР ВН-1,ВН-2 СОТИБ ОЛАМИЗ.
ТЕЛ.(3712) 793854,792523,791570,791429.

**6-модда. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш**

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашишлари ва зарур ёрдам беришлари шарт.

### *II. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ*

**7-модда. Терроризмга қарши кураш бўйича давлат органлари**

Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаёт-



ҳамда мазкур зонадан чиқаётган (транспорт билан чиқишда) жисмоний шахсларни шахсан кўрикдан ўтказиш, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда бу воситаларда олиб ўтилаётган юкларни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўрикдан ўтказиш;

жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли бўлган алоқа воситаларидан, шу жумладан махсус алоқа воситаларидан, шунингдек, транспорт воситаларидан (чет эл давлатлари дипломатия ваколатхоналари ҳамда бошқа муассасаларининг, халқаро ташкилотларнинг алоқа ва транспорт воситаларидан ташқари) террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, террорчилик ҳаракатини содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва ушлаш, ҳодиса рўй берган жойга етиб бориш, тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни даволаш муассасаларига олиб бориш учун хизмат мақсадларида фойдаланиш;

террорчиларга нисбатан қурол ва жанговар техниканинг мавжуд турларини ҳамда махсус воситаларини огоҳлантиришсиз ва чекловларсиз қўллаш.

**20-модда. Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик**

Террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаолияти Республика штаби ёки жойларда-



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

3. Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ва "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август.



### *ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК*

**29-модда. Террорчилик фаолиятида иштирок этганлик учун жавобгарлик**

Террорчилик фаолиятида иштирок этаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Шахс террорчилик фаолиятида иштирок этишдан ўз ихтиёри билан қайтган, бу ҳақда тегишли давлат органларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келишининг ва террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, бу шахсга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий қайтганлик институти қўлланилиши мумкин.

**30-модда. Террорчилик фаолияти учун ташкилотнинг жавобгарлиги**

Ташкилот суд қарори асосида террорчилик ташкилоти деб топилади ва у тугатилиши керак.

Террорчилик ташкилоти деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган халқаро ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикасининг суди томонидан террорчилик ташкилоти деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) фаолияти



террорчилар, террорчилик гуруҳлари ва террорчилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда таҳлил қилади, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавфли эканлигини баҳолайди, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга ахборот борасида кўмаклашади;

халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлик қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни амалга оширади;

алоҳида муҳим ва категорияланган объектларнинг қўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат-



Қўриқланадиган шахс ёки объектга нисбатан таҳдид аниқ эканлиги маълум бўлиб қолган ҳамда уни бошқа воситалар билан бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда тегишли штаб раҳбарининг фармойишига мувофиқ террорчилар музокараларсиз ва огоҳлантиришсиз яксон қилиниши мумкин.

**17-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиш учун кучлар ва воситалар**

Террорчиликка қарши операциялар ўтказиш учун Республика штаби ва жойлардаги тезкор штаблар зарур кучлар ва воситаларни белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқига эга.

**18-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари**

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари террорчиликка қарши операция ўтказиш бўйича жойлардаги тезкор штабларнинг раҳбарлари томонидан жойнинг хусусияти ва шароитларига қараб белгиланади.

**19-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказаётган шахсларнинг мазкур зонадаги ҳуқуқлари**

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонада мазкур операцияни ўтказаётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарурат бўлганда транспорт воситалари ва йўловчиларнинг кўча ва йўлларда ҳаракатланишини вақтинчалик чеклаш ёки тақиқлаш, транспорт воситаларини, шу жумладан дипломатия ва-



қилишига таъсир кўрсатиш ёки уларнинг ноқонуний мулкий ва (ёки) бошқа манфаатларини қондириш мақсадида амалга ошириладиган зўрлик ёки уни қўллаш таҳдиди, шунингдек, мол-мулк ва бошқа моддий объектларни яксон қилиш (шикастлантириш) ёки шундай қилиш таҳдиди; давлат ёки жамоат арбобининг ҳаётига унинг давлат ёки бошқа сиёсий фаолиятини тўхтатиш ёхуд бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида қилинган тажовуз; халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлати вакилига ёки халқаро ташкилот ходимига, шунингдек, халқаро ҳимоя остида бўлган шахсларнинг хизмат хоналарига ёки транспорт воситаларига уруш чиқариш учун иғво қилиш ёки халқаро муносабатларни чигаллаштириш мақсадида ҳужум қилиш;

**террорчи** – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс;

**террорчилик гуруҳи** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадидаги уюшмаси;

**террорчилик ташкилоти** – икки ёки ундан ортиқ террорчилар гуруҳларининг бирлашмаси;

**террорчиликка қарши операция** – террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек, жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи;

**террорчиликка қарши операция ўтказила-**



рок этаётган ҳарбий хизматчилар, давлат органларининг ходимлари ва мутахассислари;

террорчилик фаолиятининг олдини олишда, уни аниқлашда, унга чек қўйишда, уни тергов қилишда ҳамда унинг оқибатларини минималлаштиришда терроризмга қарши курашни амалга ошираётган давлат органларига доимий ёки вақтинча кўмаклашаётган шахслар;

ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари, агар уларнинг ҳимояланишини таъминлаш зарурати мазкур шахсларнинг терроризмга қарши курашдаги иштирокига боғлиқ бўлса.

Терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этаётган давлат органларининг ходимларига, терроризмга қарши курашга кўмаклашаётган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига, башарти уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид юзага келган тақдирда, илтимосларига кўра уларнинг ташқи қиёфаси, фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек, иш ва яшаш жойлари мазкур органлар таъминотига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўзгартирилиши мумкин.

**27-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахслар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш**

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишда ҳалок бўлган тақдирда ҳалок бўлган шахснинг оила аъзоларига ҳамда унинг қарамоғидаги шахслар-



тиш қурилмалари, қурол-яроғлар, қуроллар ва ўқдорилар, ядровий, биологик, кимёвий ёки бошқа турдаги ялпи қирғин қуроллари, террорчилик ҳаракатларида ишлатилиши мумкин бўлган материаллар ва асбоб-ускуналарни ноқонуний олиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ва ер усти бўшлиғининг хавфсизлигини, мамлакатнинг маъмурий, саноат-иқтисодий марказлари ва ҳудудларининг ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

ҳарбий объектларнинг қўриқланиши ва мудофаа қилинишини амалга оширади;

террорчиликка қарши операцияларда иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:



вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим объектлар барқарор ишлашини, шунингдек, террорчилик ҳаракатлари оқибатларини тугатиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**14-модда. Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш**

Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ террорчиларни жисмонан яксон қилишгача бўлган ҳар қандай чоралар қўлланилади.

Зарур ҳолларда террорчилик ҳаракатига чек қўйиш учун террорчиликка қарши операциялар ўтказилади.

### *III. ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ*

**15-модда. Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш**

Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш учун республика штаби ҳамда жойларда тезкор штаблар тузилади.

Республика штаби ва жойлардаги тезкор штабларни тузиш ва уларнинг фаолият олиб бориш тартиби, шунингдек, уларнинг раҳбарлари ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-



риш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш;

**халқаро терроризм** – бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

**3-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**4-модда. Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари**

Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ман-



жалб этилиши мумкин.

**22-модда. Террорчиликка қарши операциянинг тугатилиши**

Террорчилик ҳаракатига чек қўйилган (тугатилган) ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонадаги жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғига бўлган хавф бартараф этилган тақдирда террорчиликка қарши операция тугалланган ҳисобланади.

### *IV. ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ВА ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ*

**23-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш**

Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**24-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарарни қоплаш**

Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида жисмоний ёки юридик шахсларнинг шаъни, қадр-қимматига ёки мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмларда қопланади.

Шахсга унинг террорчилик ҳаракатидаги иштирокига чек қўйилиши муносабати билан етка-




АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ҲЖ

*Кузатув кенгаши 2000 йил 23 октябрь соат 08.00да «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти (Самарқанд кўчаси, 352-уй) акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси бўлишини маълум қилади.*

*Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 7.00 дан бошланади.*

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2000 йил учун мустақил аудитори сифатида «Экспертконсалт» аудиторлик фирмасининг тасдиқланиши.

Мажлисда қатнашишга ҳақли акциядорлар рўйхатини тузиш санаси – мажлис белгиланган кундан 30 кун аввал тугатилади.

Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352-уй, «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ, тел.: 2-63-02.

3352

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ
ЛОТЕРЕЯЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

*аҳоли эътиборига, лаҳзали «Тошкент» лотереясининг иккинчи чиқаруви тугатилаётганлигини маълум қилади.*

Ютуқли чипталар эълон чиққан кундан бошлаб тўрт ой муддат ичида тўловга қабул қилинади.

Телефон: 35-00-81, 35-69-96».

3351

Ташкилот Тошкентдаги омбордан қуйидаги янги техникани таклиф этади:



ТРАКТОР Т-30 (Владимир)

ТРАКТОР ЛТЗ (Воронеж)

ТРАКТОР МТЗ (Минск)

Тел.: (3712) 54-96-40, 54-96-11, 54-69-13.

3328

Реклама ва эълонлар 136-09-25

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага қабул эълон қилади:

*«Маданий-маърифий фаолият назарияси, услиётi ва уни ташкил қилиш»;*

*«Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик».*

ҲУЖЖАТЛАР 20 СЕНТЯБРДАН 20 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун манзилгоҳ: 700164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127-а уй.

162-03-23, 162-38-33.

3332

# ТУНИСЛИК ОЛИМ ТАДҚИҚОТИ

***Буюк мутакаллим имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва ўлмас таълимотини илмий ўрганиш бўйича дунёнинг қатор мамлакатларида жиддий тадқиқотлар олиб борилган. Улардан бири тунислик олим доктор Белқосим ибн Ҳасан ал-Ғолий томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг бу соҳадаги изланишлари «Абу Мансур ал-Мотуридий, ҳаёти ва ақидавий қарашлари» номли китобида ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқот 1989 йилда Тунисдаги «Дор ат-Туркий лин-нашр» матбаъасида алоҳида китоб шаклида нашр этилган.***

Муқаддима қисмида муаллиф Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) яшаган даврга келиб ислом динидаги мавжуд турли гуруҳлар ва тоифаларнинг сони янада кўпайиб, бу ҳол жамиятда катта маънавий инқироз ва парокандаликни келтириб чиқарганлигини алоҳида таъкидлайди. Ислом динида хулафаи рошидийндан (тўғри йўлга бошловчи халифалар, чаҳорёрлар) кейин аҳли исломни бу тарздаги нотўғри йўллардан қайтарувчи илмий жиҳатдан мукаммал, кучли бир шахс деярли бўлмаган эди. Бинобарин шу даврда ислом жамияти муқаддас манбаларга таяниб ақл-идрок ва тафаккур билан иш тутадиган забардаст алломага ғоятда муҳтожлик сезиб қолганди. Доктор Белқосим ибн Ҳасан ал-Ғолийнинг қатъий фикрича, ўша даврнинг мана шу талабларига тўлиқ жавоб берадиган сиймо сифатида имом Абу Мансур ал-Мотуридий майдонга чиқди. У ҳар томонлама баркамол мутакаллим, моҳир усулиятчи аллома бўлиб, унинг таълимоти мана минг йиллар оша ислом оламининг улкан бир қисмида сунний йўналишнинг ҳанафийа мазҳаби бўйича расмий ақида бўлиб келмоқда. Аҳли суннат ва-л-жамоатнинг йирик мадрасаларидан бири ал-мотуридиййа мадрасасига асос солган аллома бундан ўн аср муқаддам бўлгани каби бугунги кунда ҳам миллионлаб мусулмонларнинг маънавий-руҳий раҳнамоси сифатида жумлаи жаҳонда машҳурдир.

Тадқиқот уч боб ва хотима қисмидан ташкил топган. Биринчи боб икки бўлим (фасл)дан иборат бўлиб, улардан биринчиси имом Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврдаги сиёсий, иқтисодий, ички ва ташқи фикрий (ғоявий) оқимларга бағишланган. Шундан кейин имом ал-Мотуридийнинг ҳаётига оид маълумотлар батафсил тарзда келтирилади. Жумладан, унинг наслу насаби, туғилган жойи, билим олган масканлари, айниқса, устозлари — Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий, Абу Наср ал-Ийодий, Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жўзжоний ва Нусайр ибн Яҳё ал-Балхий ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Иккинчи бўлим (фасл)да гап ал-Мотуридийнинг илмий салоҳияти ҳақида боради. Тадқиқотчи ишончли манбаларга таянган ҳолда унинг калом илми соҳасидаги энг буюк алломалардан бири эканлигини, унинг юксак даражадаги қатор илмий ва диний лақабларга сазовор бўлганлигини, ҳатто баъзи олимлар унинг васфида бирқадар муболағали бўлса-да, «У ислом умматининг шу замондаги ал-Маҳдийси» деган лақаблар билан аталганлиги ҳақида ёзади. Имом ал-Мотуридийнинг ақидавий қарашларини ўрганиш ислом оламининг турли томонларидаги барча йирик университетлар, жумладан, бутун дунёга машҳур ал-Азҳар, аз-Зайтуна, ал-Қаравиййин каби университетларнинг ўқув дастурларидан ўрин олган.

Алломадан бевосита таълим олган шогирдларидан Абу-л-Қосим ас-Самарқандий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Саад ар-Рустағфоний, Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Паздавий каби ўз даврининг таниқли олимларини зикр қилади. Айни шу бобда имом ал-Мотуридий қаламига мансуб бўлган асарлар (уларнинг сони ўн еттита) бирма-бир саналиб, уларга қисқа тавсиф берилади. Тадқиқотнинг иккинчи боби «Оллоҳ» деб умумлаштирилган ном билан аталиб, бу боб ҳам икки бўлимдан иборат. Имом ал-Мотуридийга мазкур мавзуни ўрганишга туртки бўлган сабаблар биринчи бўлимда муфассал ёритилади. Шу муносабат билан Мовароуннаҳрда қадим замонлардан буён мавжуд турли динлар, илоҳият масалалари, турли фалсафий мушоҳадалар, уларнинг моҳияти ҳақида теран фикрлар келтирилган. Айни шу бўлимда Оллоҳни билиш масаласи хусусида турли оқимлар томонидан илгари сурилган ғояларга катта ўрин берилган. Энг муҳими ислом жамиятида улкан аҳамият касб этган бу масала имом ал-Мотуридий илгари сурган инсон ақл-заковати ва тафаккурининг ўрни ҳақида Қуръони карим оятларидан аниқ исботу далиллар билан асосланган ҳолда шарҳланган. Мазкур масалани шарҳлашда тадқиқотчи алломанинг «ат-Тавҳийд» номли шоҳ асаридан кўп ўринларда унумли фойдаланганлигини ҳам айтиш жоиздир.

Иккинчи бўлим «Оллоҳнинг сифатлари» (сифат Оллоҳ) деб номланган. Азалдан турли-туман талқинларга сабаб бўлиб келаётган Оллоҳнинг сифатлари ҳақидаги масала IX-X асрларга, яъни имом Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврга келиб янада кескин баҳсу мунозаралар тусини олган эди. Бу баҳсларнинг янада кучайишига Оллоҳнинг сифатлари ҳақидаги истилоҳни биринчилардан бўлиб илмий муомалага татбиқ қилган муътазилийлар, айниқса, уларнинг ғоявий раҳнамоларидан бири бўлган Абу-л-Қосим ал-Каъбий ал-Балхийнинг хато қарашлари сабаб бўлган эди. Имом ал-Мотуридий ўзининг «ат-Тавҳийд» ва «Таъвийлот аҳл ас-сунна» каби асосий асарларида илоҳий сифатлар ҳақида энг аввало Қуръони Каримга таянган ҳолда илмий асосланган хулосаларни келтирган эди. Бу масалаларни тўлиқ идрок қилишда аллома билиш назариясининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, Оллоҳнинг сифатлари Қуръони каримда тўлиқ ифодасини топган, инсон улар моҳиятини теран англашда бир томондан ахборотларга таянади, иккинчи томондан ўз ақл-идроки ва тафаккури воситасида эришади. Бинобарин Оллоҳнинг сифатлари хусусида ўзига хос ғояларни илгари сурган имом ал-Мотуридий бу масалани хато талқин қилган айрим гуруҳ ва тоифаларга раддия тариқасида махсус рисолалар ҳам ёзганлиги маълум. Улардан «Баён ваҳм ал-муътазила», «Радд ваъийд ал-фуссоқ», «Радд таҳзийб ал-жадал», «Радд Авоил ал-адилла», «Радд Усул ал-хамса» кабиларни кўрсатиш мумкин. Афсуски, тадқиқотчиларнинг фикрича, алломанинг ушбу рисолаларидан биронтаси ҳам бизгача етиб келмаган ҳисобланади.

Ушбу бўлимнинг учинчи боби «Инсон» деб номланиб, унинг дастлабки фасли ан-Нубувват («Пайғамбарлик») деб аталган. Кишилик жамияти ҳар доим ҳам пайғамбарларга муҳтожлигини уқтириб, тадқиқотчи бу ўринда аллома Садриддин аш-Шерозийнинг «Инсон ўз ҳаётида жисмий иллатларни даволашда табибга муҳтож бўлганлиги каби уни рушди ҳидоятга бошловчи нафсоний муолажага ҳам эҳтиёжи катта бўлиб, уларни беғубор ҳолда тозалайдиган, бу дунё охиратда саодатга эриштирадиган, уларнинг залолату хатоларини тузатадиган руҳий-маънавий муршидларга эҳтиёжманд бўладилар. Шу боис ҳам инсонлар пайғамбарларга муҳтождирлар», деган фикрини келтиради имом ал-Мотуридий. У «ат-Тавҳийд» асарида башариятнинг рисолатга эҳтиёжини илмий-мантиқий манҳаж асосида нафис бир услубда баён қилади. Диний ва дунёвий масалаларни идрок этишда инсон ақли бир-биридан фарқ қилиши, улар ўртасида маълум тафовут бўлиши, инсон ҳар доим ҳам афзалликка интилиши, бу жараёнда инсон ақл-идроки, унинг тафаккури ва салоҳиятининг қудрати алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлайди.

Маълумки Оллоҳ Таоло ўз Расулининг вазифалари ва унинг жамиятдаги ўрнини беқиёс улуғлаб, унинг зиммасига улкан ва шарафли ишларни мукаллаф этган. Инсонлар ақидасини ҳар қандай залолатлардан ислоҳ қилиш, ибодат арконларига масъул, инсон зотининг бу дунёи-охиратдаги саодатига кафолат молиявий, ижтимоий ва сиёсий муомалатларини адолат асосида тартибга солиш каби қатор масалаларга масъул этган. Имом ал-Мотуридий ўз асарларида пайғамбар алайҳиссаломнинг тарихий миссиясини бир қадар кенгроқ талқин қилиб, инсонларни касб-ҳунар ва зироат санъатини мукаммал эгаллаш, ёш авлодни тарбиялаш, етарли озиқ-овқатлар тадоригини кўриш, табобат илмини эгаллаш, турли тилларни билиш ва мамлакатлар ўртасида борди-келди йўлларини очиш каби дунёвий масалаларда инсонларга йўл-йўриқ кўрсатувчи муршид эканлигини ҳам алоҳида уқтиради. Буларни имом ал-Мотуридий «Таълим ва ишорат» орқали амалга ошишини кўрсатади. Тунислик олимнинг тадқиқотидаги эътиборга молик яна бир қимматли мулоҳаза шулки, у бу масалаларни шарҳлашда имом ал-Мотуридийнинг ватандоши ва замондоши аллома Абу Наср ал-Форобийнинг (870-950) машҳур асари «Ороу аҳл ал-мадийнат ал-фозила» («Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари») номли асарида келтирилган фикрлар билан қиёсий ўрганади. Имом ал-Мотуридий ушбу масалаларнинг дунёвий томонига камроқ эътибор берган бўлса-да, лекин ўз даврининг бошқа мутакаллимларидан фарқли ўлароқ инсоннинг ижтимоий ҳаётига доир қатор масалаларни кенг кўламда шарҳлангани унинг «ат-Тавҳийд» ва «Таъвийлот аҳл ас-суннат» асарларидан кўплаб иқтибослар билан асосланган. Айни шу бобда Расулуллоҳнинг мўъжизалари ҳақидаги имом ал-Мотуридий фикрлари ҳам эътиборга моликдир. Аллома жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлик мақомига муяссар бўлишларидан олдинги мўъжизаларини ҳиссий мўъжизалар, пайғамбарлик мақомидан кейинги кўрсатган мўъжизаларини ақлий мўъжизалар деб атаб, «ат-Тавҳийд» асарида уларни бирма-бир санаб ўтган.

Китобнинг хотимасида тадқиқ этилган масалаларга мухтасар якун ясалиб, имом ал-Мотуридий асарларида илгари сурилган асосий ғоялардан «дин, ақидавий масалалар ахборотлар ва ақл-идрок ҳамда тафаккур воситасида идрок этилади» деган илмий хулоса қилинган. Бинобарин буюк ватандошимиз имом ал-Мотуридий бундан ўн бир аср муқаддам яратган бу ўлмас таълимот ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамиятга моликдир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**филология фанлари номзоди.**





Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси ва касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА асосий кутубхонаси собиқ директори

**Наби Ғаниевич ҒАНИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент архитектура қурилиш институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Саноат ва фуқаро қурилиши» факультети, «Қурилиш конструкциялари» кафедрасининг катта ўқитувчиси Мавлуда Худойбергановага волидаи муҳтарамаси

**МАТЛУБА аянинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг «Физика» кафедраси доценти

**Султонраҳмат ТЕМИРОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

**АКСЕЛС**

**«Эдмунд С.Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш» дастури Олий ўқув юртларини битирганлар ва дипломли мутахассислар учун АҚШ аспирантураларида ўқиш имконияти 2001**

ЮСИА - АҚШ Ахборот агентлиги ва Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши 2001/2002 ўқув йили учун Эдмунд С.Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда МДҲ фуқароларига АҚШда бир ёки икки йил ўқиш имконияти тақдим этилади.

**<u>Ўқиш соҳалари:</u> бизнесни бошқариш, таълимни бошқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш, иқтисодиёт, таълимни бошқариш, халқаро муносабатлар, журналистика, ҳуқуқ, кутубхона ва ахборот фаолияти, давлат ва жамият бошқаруви, соғлиқни сақлашни бошқариш ва ижтимоий сиёсат.**

**Дастурда**
- ✓ *Ўзбекистон фуқароси бўлган;*
- ✓ *ариза бериш жараёнида ёши 40дан ошмаган;*
- ✓ *ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида 15 қатнашчи давлатлардан бирида яшаётган;*
- ✓ *олий маълумотга эга ёки 2001 йилнинг июл ойигача олий ўқув юртни битирадиган талабалар. Ҳуқуқ ихтисоси бўйича мурожаат этиш учун қатнашчининг ҳуқуқдан диплми бўлиши шарт;*
- ✓ *ҳужжатларни топшириш пайтида ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;*
- ✓ *ихтисос соҳасида мутахассислик қобилияти ва пешқадам салоҳиятини намойиш эта оладиган;*
- ✓ *ўқишни 2001 йил ёзидан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқиш бошланишини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;*
- ✓ *АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин;*
- ✓ *дастурни тугатгандан кейин, ўз ватанига қайтишни режалаштирган.*

Эдмунд С.Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди.

**Тўлдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 27 октябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.**

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:
**Тошкент** (371) 152-21-81(86), **Самарқанд:** (3662) 35-02-74, **Нукус** (361) 222-89-57, **Наманган:** (36922) 6-27-50, **Бухоро:** (36522) 4-22-46.

3347-1

**АКСЕЛС**

**АҚШда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш Дастури 2001**

ЮСИА - АҚШ Ахборот хизмати ва Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС) илмий-тадқиқот дастурини эълон қилади. Дастур МДҲ давлатлари аспирантларига АҚШ университет ва институтларида илмий даража олмай илмий тадқиқот ўтказиш имкониятини тақдим этади. Дастур қатнашчилари тўрт ёки олти ой давомида АҚШда қуйидаги соҳалар бўйича тадқиқот ўтказиш имкониятига эга:

**АҚШ мамлакатшунослиги, бизнесни бошқариш (жумладан, бизнес ва менежмент таълими бўйича ихтисослашиш), шаҳарга доир режалаштириш, халқ таълими, халқаро можароларни ҳал қилиш, криминалистика, иқтисод (жумладан, халқаро савдо, молия ва инвестициялар), таълим (жумладан, университетларни бошқариш), этика ва фалсафа, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар, давлат бошқаруви, тарих, саноатда меҳнат муносабатлари, информацион технологиялар (интернет ва янги информацион технологияларни олий таълимотда қўллаш), журналистика, ҳуқуқ, кутубхона фанлари, менежмент ва маркетинг, сиёсий фанлар, давлат ва жамият бошқаруви (атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш), ижтимоий ишлар, социология (ижтимоий ва маданият антропология), хотин-қизлар масалалари.**

**Дастурда**
- ✓ *Ўзбекистон фуқароси бўлган;*
- ✓ *АҚШ институтларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлмаган ва илмий фаолиятларининг бошланғич босқичидаги аспирант ва илмий ходимлар;*
- ✓ *ариза бериш пайтида (яъни 2000 йил 27 ноябрга қадар) ёши 24 дан 60 гача бўлган;*
- ✓ *ариза бериш пайтида фан номзоди ёки ундан юқорироқ илмий даражага эга ёки номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораётган;*
- ✓ *24 ихтисосдан бири бўйича АҚШ институтларида илмий-тадқиқот олиб бориши зарур бўлган;*
- ✓ *ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда мустақил илмий-тадқиқот иш олиб бориш қобилиятига эга;*
- ✓ *танланган ихтисос бўйича нашри бор (аспирантлар учун курс иши бўлиши мумкин);*
- ✓ *илмий-тадқиқот ишини 2001 йил август ёки 2002 йил февралида бошлашга тайёр бўлган;*
- ✓ *АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин.*

Илмий-тадқиқот дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди.

**Тўлдирилган анкеталар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 27 ноябрга қадар офислардан бирига топширилиши лозим.**

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:
**Тошкент** (371) 152-21-81(86), **Самарқанд:** (3662) 35-02-74, **Нукус** (361) 222-89-57, **Наманган:** (36922) 6-27-50, **Бухоро:** (36522) 4-22-46.

3347-2

**АКСЕЛС**

**Озодликни қўллаб-қувватлаш Дастури**

**Олий ўқув юртлари талабалари учун АҚШ университетларида ўқиш имконияти 2001**

ЮСИА - АҚШ Ахборот хизмати ва Халқаро таълим кенгаши 2001/2002 ўқув йили учун Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастурда олий ўқув юртларининг 1, 2 ва 3 курс талабаларига АҚШда ўқиш имконияти тақдим этилади.

**<u>Ўқиш соҳалари:</u> қишлоқ хўжалиги/ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, АҚШ мамлакатшунослиги, бизнес, иқтисодиёт, таълим/методология (2-ва 3-курс талабалари учун), журналистика, информацион технология (1-курс талабалари учун), социология (соғлиқни сақлашни бошқариш, фуқарошунослик), халқаро муносабатлар (2-ва 3-курс талабалари учун), сиёсатшунослик, ҳуқуқ.**

**Дастурда**
- ✓ Ўзбекистон фуқароси бўлган;
- ✓ ёши 17дан 23гача бўлган;
- ✓ ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида Ўзбекистонда яшайдиган;
- ✓ ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;
- ✓ ҳозирги пайтда бакалавр унвонини берувчи ўқув юртининг 1-3 курс талабалари;
- ✓ ўқишни 2001 йил ёзидан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқиш бошланишини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;
- ✓ АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган кишилар қатнашиши мумкин.

Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайдилар.

**Тўлдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.**

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:
**Тошкент** (371) 152-21-81(86), **Самарқанд:** (3662) 35-02-74, **Нукус:** (361) 222-89-57, **Наманган:** (36922) 6-27-50, **Бухоро:** (36522) 4-22-46.

3347-3

*Эътироф*

# «ЮРАГИМНИНГ ОҒРИҚЛАРИ... ШУ КАСБИМ»

Журналист аёллар кўп эмас. Чунки бу касб машаққати, заҳматига унча-мунча метин иродали инсонлар ҳам дош беролмай, қоғоз-у қаламни токчага чиқариб қўйганларини кўрганмиз. Журналистнинг арзимас маоши, қалам ҳақи, тошининг енгиллиги (бирорта хато ўтказвордингми, мисқоллаб топган обрў-эътибордан айрилдим деявер)га дош бермаганлар тижоратга, фирма-ю корхоналарга ўтиб кетди. Аммо ёзмаса «юраги оғриб қолади»ган Санъат опа Маҳмудова касбини ташлаб кетмади.

Камтарин, ҳалол, фидойи опани Ўзбекистонда танимаган одамнинг ўзи бормикин? Журналист меҳнати залворини билиш унча қийин иш эмас, бунинг учун «Саодат» журналининг ўттиз йиллик тахламини варақлаб чиқиш кифоя. Санъат Маҳмудова имзоси билан турли йилларда босилган ҳар бир лавҳа, ҳар бир очерк, мақоланинг ўз тарихи бор.

«... 1982 йил эди. Зулфия опанинг топшириғи билан июл ойида Қашқадарёга кетибман. Республиканинг энг иссиқ вилояти саратон ўртасида қуруқликка чиқиб қолган балиқ монанд бўлиб қолади. Аммо бундай майда нарсаларни ўйлашга вақт йўқ. Шаҳрисабз районидан Фаёза Ҳақназарова ҳақида ёзишим керак.

Саҳар туриб, болаларга ул-бул пишириб, дадасига тайинладимда, аэропортга отландим. Биринчи рейсда учишим керак. Соат 11-12 ларда Шаҳрисабзга етиб бордим. Бироз дам олиб, ўпкамни босволсам ҳам бўларди-ю, шу кунией Фаёза опа билан дала айланибман, денг. Иссиқ уриб, эртасига чўзилиб қолдим. Икки-уч соат ётгач, ўзимни мажбуран ердан узиб, опа билан фабрикага кетдим. Кейин мактаб, боғча. Кечқурун идорасида суҳбатини олдим. Туни билан ёниб чиқдим. Ўзимни қўлга олай дейман, иложи йўқ. Қайнатилган гуруч сувини ичаман, холос. Фаёзанинг қайнонаси ҳолимга ичи оғрийди: «Вой арзон меҳмон-эй, гўшт босиб берай десам, қатиқли суюқ ош ичади, холос-а».

Эртасига эрталаб одамлар билан Фаёза опа ҳақида суҳбатлашдим. Тушдан сўнг хайр-ҳушлашиб, поездга ўтирдим. Ҳаво худди қизиб турган товага ўхшайди. На ётиб ором топасан, на ўтириб. Бошим тинмай оғриётган, лоҳас тортаётган бўлсамда, бир нарсадан хурсандман – устоз топшириғини бажариб, блокнотимни тўлдириб кетяпман.



Эртасига Тошкентга етиб келиб, вокзалдан тўғри ишхонага борибман, денг. Ўл дейдиган одам йўқ, уйга бориб, дам олсам, биров бир нарса дермиди. Йўқ, устозни, журнални, ҳамкасбларимни соғиниб қолардим-да!

Кечки пайт уйга келсам, юмуш қайнаб ётибди. Тўрт нафар бола, кир-чир, сипир-сидир. Ярим кечада қўлим ишдан хиёл бўшаб, ёзув столига ўтираман...»

Ҳа, фарзанд, оила, рўзғорнинг бека, рафиқага аталган юмушлари Санъат опанинг қўлларини боғлаб қололмади. Бепоён ўзбек тупроғининг Самарқанд-у Бухороси, олис Хоразму Қорақалпоғи, Фарғона-ю Андижонида содда ва беғубор, камсуқум аёлнинг излари қолди. Ва ана шу излар аро битилган тарихимиздан пахтакор, муаллима, чўпон, шифокор, пиллакор опа-сингиллар тақдири «Санъат Маҳмудова» имзоси ила бўй кўрсатиб турибди.

«Ўша даврларда ҳозирги имтиёзлар қаердайди, дейсиз. Чақалоғимиз икки ойлик бўлмай ишга чиқардик. Ҳануз эсласам, ўзимни кечиролмайман. Қишнинг чилласида Марғилонга отланибман. Азаматим ҳали эмизикли эди. Ипак комбинатининг илғор ишчиси ҳақида ёзишим керак. Шамоллаганман, иситма, бош оғриқ зўридан ўзимни таппа ташлагим келади. Деворга суяниб ўтириб, дори ичволдимда, блокнотни очдим.

Эртаси саҳар поезддан тушиб, уйга келсам, болажоним ҳўл ўринда ярим белидан шалаббо ҳолда муздек бўлиб ётибди... дадамиз бемалол ухлаяптилар. Шу хўрлигим келди, ўғлимни бағримга олиб, йиғлай-йиғлай кўкрак тутдим. Ўшандан кейин у қаттиқ шамоллаб, касалхонада ётишга тўғри келди.

Эҳ-ҳе, мен юрган йўлларнинг саноғи бормикин. Ҳар ойда Зулфия опа «Энди бу сонга нима ёзасиз, Санъатхон?» дейишлари билан юрагимга чўғ тушарди, чўғ. Яна кетаверардим».

Мана, тақдир тақозоси ила Санъат Маҳмудова Фарғонанинг Қувасида яшамоқда. Ҳа, Тошкентнинг қизи Фарғонага келин эканлигини улуғ ёшга етганда тан олиб, чекка бир қишлоқда Бекмирза ака Маҳмудов билан умргузаронлик қиляпти. Устоз тинганлари йўқ, республика, вилоят матбуотида лавҳа, очерклари босилиб турибди. Санъат опанинг касбига муҳаббати, эътиқоди боис, тунларни кунга, йўлларни йўлга улаётганлигининг исботидай туюлади. Касбга бўлган муҳаббат эса қадоққўл, заҳматкаш элига аталган меҳри билан пайваста.

**Маҳфуза УСМОНОВА,**
**Фарғона вилояти хотин-қизлари «Ойдин» газетаси муҳаррири.**





*Вой-бўй, полвонни бир суратга олиб қўйайлик-чи!*

*Ривоят*

## «ҲАР КИМ ҚИЛСА ЎЗИГА»

*Бир девона ҳар доим юрган йўлида: «Ҳар ким қилса, ўзига, ҳар ким қилса, ўзига» деган сўзни тинмай такрорлар экан. Бу гапнинг маъносига бормаган бир нодон аёл кунларнинг бирида девонанинг овозини эшитибдию, ёпаётган нонининг бирига заҳар қўшиб юборибди. Девона унинг остонасига етгач, ясама илтифот билан:*

*— Ҳозиргина тандирдан уздим, жиззали, иссиққина ейсиз, — дея ҳалиги нонни девонага тутқазибди. Девона нонни хуржунига солибдию, аёлни дуои хайр қилиб, яна ўша сўзларни айтганча йўлида давом этибди.*

*«Ҳар ким қилса ўзига, ҳар ким қилса ўзига».*

*Кўча бошида бир тўп бўлиб ўйнаётган болалар девонани кўриб, ҳар доимгидай уни ўраб олишибди. Художўй девона хуржунида бор йиққан-терганини болаларга бўлиб берибди. Болаларнинг бирига жиззали нон, бировига олма, яна бировига ширинликлар тегибди. Девона яна ўша ҳикматли сўзларини айтиб, йўлига равона бўлибди.*

*«Ҳар ким қилса ўзига, ҳар ким қилса ўзига».*

*Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бояги аёлнинг боламлаб фарёд чеккани еру кўкни ларзага солибди.*

*Ёмонлик ўзи маскан қурган ердан узоқлаб кетмас экан.*

**Дилбар ТУРҒУНОВА.**



**ҲИКМАТ**

*Сўз борки, тоққа кўтаради,*
*Сўз борки, жарга итаради.*

## «ЯШИЛ ҚИТЪА»ДА НИМА ГАП?

Sydney 2000

### Бокс

Сиднейда бўлиб ўтаётган XXVII Олимпиадада боксчиларимиздан умидимиз катта эканлигини аввалги чиқишларимизда ҳам таъкидлаган эдик. Иккита вакилимиз яна бир бор ғалабага эришиб мухлисларни қувонтирдилар. Алишер Раҳимов ва Руслан Чагаев ўз вазн тоифаларида рақибларини катта устунлик билан мағлуб этиб, чорак финалга йўлланма олишди.

### Дзюдо

90 килограмм (эркаклар) вазндаги полвонлар баҳси финалида голландиялик Майк Уйазинга бразилиялик дзюдочи — ўзбек кураши мухлисларига 1999 йилги биринчи жаҳон чемпионати орқали яхши таниш бўлган Карлос Хонарота билан беллашди. Унда голландиялик курашчи бироз устунлик билан ғалаба қозонди. Карлосга кумуш медал насиб этди. Таъкидлаш жоизки, ғалаба билан қайтишини мухлисларимиз катта умид билан кутаётган ҳамюртимиз Армен Богдасаров ҳам навбатдаги босқичда мағлубиятга учраб, мусобақаларни томошабинлар қаторида кузатадиган бўлди.

### Оғир атлетика

Болгариялик 48 килограмм вазн тоифасидаги оғир атлетикачи қиз Изабелла Драгнева Сиднейда ўзининг илк олтин медалини олишга эришганди. Афсуски, мусобақадан кейин ўтказилган тиббий назорат пайтида бу спортчи қиз қонида таъқиқланган қувватдори борлигини аниқлашди. Натижада унинг чемпионлиги бекор қилинди.

Шунингдек, 62 килограмм вазндаги оғир атлетикачи Севдомин Минчева ҳам допинг назоратидан ўта олмай, ўзининг кумуш медалини топширишга мажбур бўлди. Бу спортчининг ҳам таъқиқланган қувватдори қабул қилганлиги аниқланди.

Маълумки, 1988 йилги Сеул Олимпиадасида ҳам икки нафар болгар оғир атлетикачилари допинг туфайли чемпионлик унвонидан маҳрум қилинган эди.

### Сув полоси

Австралия-Россия — 7:6. Айнан шу икки жамоа учрашуви ҳамманинг диққат марказида бўлди. Сўнгги дақиқаларда жонбозлик кўрсатган мезбонлар қийинчилик билан ғалабага эришдилар.

### Енгил атлетика

20 километрга спортча юриш бўйича олтин медал мексикалик Бернард Сегурага насиб қилди. Кумуш медал эса ундан бир секунд ортда қолган польшалик Роберт Корженовскийга тегди. Учинчи ўринга ҳам яна бир Мексика вакили эришди.

### Шунақаси ҳам бўлади

Олимпиада ўйинлари давом этаётган бир пайтда, Австралия қонунларига мувофиқ қамалган икки жиноятчи қамоқхонадан қочиб кетди. Қизиғи шундаки, улар жанубий кореялик олимпиадачилар тушган автомобилни қўлга олишган. Ва машинага ўтириб қамоқхонадан 50 километр узоқликкача қочиб боришган. Полициянинг тезкор ҳаракати туфайли жанубий кореялик олимпиадачилар (битта расмий вакил, 4 нафар спортчи) жабр кўрмасдан озод этилди. Жиноятчиларнинг бири қўлга олинган, иккинчиси эса яширинишга улгурган.

**ЭЛМУРОД тайёрлади.**

## ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА



**Хитойлик сайёҳ Кремл деворини томоша қилиб юрибди. Ҳамма жойда кимнинг ҳоки қўйилгани ёзилган.**

**Уларга қараб туриб сўз қотди:**

**— Русларда аҳоли камлиги яхши-да, бизда шунча одамга Хитой девори ҳам етмайди...**

* * *

**Психиатр ҳузурида:**

**— Дўхтир, менинг эрим руҳий касал... асал... сал...**

**— Нима безовта қилади?**

**— Гапирганда акс-садо беради.**

* * *

**Бу фильм аниқ китоб асосида ишланган экан. Мен айнан ўша жойида ухлаб қолдим...**

* * *

**Математика дарсида ўқувчидан муаллим сўради:**

**— 4 ни 2 га қўшса қанча бўлади?**

**— Тўққиз.**

**— 2 ни 4 га қўшса-чи?**

**— Ўн бир.**

**— Ие, зўрсан-у. Буни сенга ким ўргатди?**

**— Ойим. Улар ресторанда официант бўлиб ишлайдилар...**




Рассом Равшан Эгамбердиев XXI аср болғасини шундай тасаввур этибди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Узоқ муддатли муносабатларга умид боғлаб ва банк хизматларининг ниҳоятда хилма-хил турларини, ишончли, тезкор, қулай хизматларни ҳамда энг фойдали фоиз ставкаларини таклиф қилиб

**Ўқитувчилар ва устозлар куни арафасида**

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ «Мерос» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Омонатга пул 2000 йилнинг 14 сентябридан 30 сентябрига қадар 1 ой муддатга қабул қилиниб,

**йилига 70 фоиз фойда тўланади.**

*Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки — пулларингиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.*

NBU

Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 рақамли телефонлар орқали ёки «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ. Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА. Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.50*

1 2 3 4 5 6